“Навоий иссиқлик электр станцияси” АЖнинг
– ишончли бошқарувчисининг
3/2024-сон ҚАРОРИ

2026 йил 18 ноябр Тошкент шаҳри

“Навоий иссиқлик электр станцияси” АЖ томонидан чиқарилган ва жойлаштирилган акциялар **2 577 406 890** (икки миллиард беш юз етмиш етти миллион тўрт юз олти минг саккиз юз тўқсон) дона оддий акцияларни ташкил этади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги (кейинги ўринларда Давактив агентлиги) ва “SMART INTEGRITY ME” MChJ ўртасида 2023 йил 18 сентябрда тузилган 3410-сонли ишончли бошқарув шартномасига асосан “SMART INTEGRITY ME” MChJга Жамиятда акциядор функциясини амалга ошириш белгиланган бўлиб, Жамиятнинг ягона акциядори ҳисобланади.

Давактив агентлигининг 2026 йил 17 ноябрдаги 02/9.2-17/1905-сонли кўрсатмаси билан Жамият кузатув кенгаши таркибига янги номзодларга розилик берилган.

Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 59-моддасига мувофиқ жамият кузатув кенгашининг ва миноритар акциядорлар қўмитасининг сон таркибини белгилаш, уларнинг аъзоларини сайлаш ва аъзоларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига киради.

Мазкур вазифалар бажарилишини таъминлаш мақсадида, “Навоий иссиқлик электр станцияси” АЖнинг Ягона акциядори **қарор қилади:**

1. Давактив агентлигининг 2026 йил 17 ноябрдаги 02/9.2-17/1905-сонли кўрсатмаси маълумот ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Жамият Кузатув кенгаши таркибига қуйидагича ўзгартиришлар киритилсин:

- Кузатув кенгаши аъзолари Абдурахманов Фарход Мамурович, Ходжаев Шерзод Хикматуллаевич ва Астонакулов Музаффар Мухсин ўғли ваколатлари муддатидан илгари тугатилсин ва улар Кузатув кенгаши таркибидан чиқарилсин.

- Кузатув кенгаши аъзолигига:

Иссиқлик электр станциялари” АЖ бошқарув раиси Жураев Баходир Ибрагимович, Энергетика вазирлиги бўлим бошлиғи Анваров Саидатхам Эркинович, Давлат активларини бошқариш агентлигининг бош мутахассиси Абдувалиева Фарида Абдурахимовна, “SMART INTEGRITY ME” MChJ директори ўринбосари Карабаев Шахрух Шахидович ва “SMART INTEGRITY

ME” MChJ бош мутахассиси Усмонов Бахтиёр Оловиддиновичлар уч йил муддатга сайлансин.

“Навоий иссиқлик электр станцияси” АЖнинг корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш ва операцион самарадорлигини ошириш мақсадида, жамиятнинг Кузатув кенгаши аъзолари қуйидаги таркибда **ташкил этилсин:**

Т/р	**Кузатув кенгаши аъзолари**
1	Жураев Баходир Ибрагимович
2	Анваров Саидатхам Эркинович
3	Абдувалиева Фарида Абдурахимовна
4	Карабаев Шахрух Шахидович
5	Усмонов Бахтиёр Оловиддинович

“Навоий иссиқлик электр станцияси”
АЖнинг ишончли бошқарувчиси
“SMART INTEGRITY ME” MChJ
директори **Б.М.Нурдинов**

Қарор расмийлаштирилган сана: “____” _____ 2025 йил